Монгол наҳдаа тавтай сайхан морилчоонг цу!

ХУШ КЕЛИБСИЗ, МОНГОЛ ДЎСТЛАР!

Бугун Ўзбекистон ССРда Монголия Халқ Республикаси Кунлари бошланди

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 216 (5207).
22 СЕНТЯБРЬ 1983 й.
ПАЙШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЎН САККИЗИНЧИ ЧАҚИРИҚ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

БУГУН

Ўн саккизинчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг олтинчи сессияси бўлиб ўтди.

Шаҳар халқ хўжалиги барча тармоқларининг 1983—1984 йиллар қиш шароитида узлуксиз ишлашини таъминлаш ва ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш ва оқилона фойдаланилиши бўйича ишларни кучайтириш бўйича халқ депутатлари Советларининг вазифалари тўғрисида Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раиси В. О. Козимов доклад қилди.

Депутатлар, шунингдек, сайловчиларнинг СССР Олий Совети, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатларига ва халқ депутатлари шаҳар Совети депутатларига наказларини бажариш борасидаги ишлар тўғрисида ахборотни, аёллар меҳнати ва маиший шароитн, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари бўйича шаҳар Совети доимий комиссиясининг иши тўғрисидаги ҳисоботни тингладилар.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сессия тўғрисидаги батафсил ҳисобот газетанинг навбатдаги сонида ёритилади.

Газетанинг шу сонига интервью

ДЎСТЛИК ЧЕГАРА БИЛМАЙДИ

БУГУН

Тошкентда Ўзбекистон ССРда Монголия Халқ Республикаси Кунлари бошланди. Кунларнинг программаси тўғрисида Ўзбекистон чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа боғлаш жамияти Президиуми раиси И. Тўхтахўжаева қуйидагиларни гапириб берди.

— Эртага Алишер Навоий номли Ўзбекистон ССР Давлат академик Катта театри биносида Ўзбекистон ССРда Монголия Халқ Республикаси Кунлари тантанали очилади. Бугун эрталаб МХР делегацияси аъзолари В. И. Ленин ҳайкали пойига гуллар ва Номаълум солдат қабрига гулчамбарлар қўйдилар. Шундан кейин Монголия Халқ Революцион партияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, Марказий Комитет секретари, Монгол Совет дўстлиги жамияти Марказий Советининг раиси ўртоқ Дамдини Гомбожав бошчилигидаги делегация В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали, революция доҳийси номи билан аталаётган пойтахт метроси станцияларини зиёрат қилдилар, Ўзбекистон чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа боғлаш жамияти активистлари билан учрашдилар ва журналистлар учун матбуот конференцияси ўтказдилар.

Делегация составида Монголия Халқ Республикаси Министрлар Совети раисининг ўринбосари, МХР маданият министри, Монгол-Совет дўстлиги жамияти Марказий Совети раиси ўринбосари · Дондогийн Цэвэгмэд, МХР Рассомлари союзи комитети раиси Ням—осорин Чултэм, Ленин номли музей директори Жумдани Роозон, лекторлар, артистлар, рассомлар, ижодий коллективлар бор.

Дўстларимиз кунларининг программаси бой тузилган. Шунга биноан «Ҳозирги замон Монголияси» фотокўргазмаси, тасвирий ва халқ-амалий санъати кўргазмаси очилади. «Баян Монгол» эстрада ансамбли ва халқ ансамбли билан учрашувлар ўтказилади, республика шаҳарлари бўйлаб дўстлик байрами давом этади. Концертлар Свердлов номли, «Баҳор» концерт залларида, авиасозлар маданият ва техника, Тошкент Давлат университети саройларида ва бошқа жойларда ўтказилади.

Бундан ўн йил муқаддам республикамиз дўстлик жамияти таркибида Совет-Монгол дўстлиги жамиятининг бўлими тузилган эди. Бугунги кунда бу бўлинма 60 дан ортиқ корхоналар, муассасалар, ўқув юртларида тузилган бошланғич ташкилотни бирлаштиради. Монгол дўстларимиз, Монгол—Совет дўстлиги жамияти ва унинг Жанубий-Гоби, Ўбурхангай, Ўрта—Гоби аймоқлари адресига республикамиз тўғрисида ранг-баранг ахборот материаллари, китоблар, кўргазмалар юборилмоқда. Биз мана шундай материалларни Монголиядан ҳам олиб турибмиз.

Ҳамкорликда тадбирлар ўтказиш яхши анъанага айланиб қолди. Тошкентда Совет ва Монгол хотин-қизларининг мамлакатларимиз ютуқларига бағишланган семинари бўлиб ўтди. МХРнинг халқ-амалий ва замонавий тасвирий санъати кўргазмаси диёримизда муваффақият билан кўрсатилди. Ўзбекистон рассомларининг манзара ва график асарлари кўргазмаси Улан-Баторда намойиш этилди.

Ўзбекистонда кўплаб монгол ёшлари таълим олмоқда. Улар Тошкент Давлат университети, тўқимачилик ва енгил саноат институти ва бошқа ўқув юртларида ўқишмоқда. Олмалик ва Эрдэнэт шаҳарлари биродарлашган. «Союз-39» космик кемасида юртдошимиз Владимир Жонибеков ва МХР граждани Жугдэрдэмидийн Гуррагча парвоз қилдилар.

КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленумида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг раиси Ю. В. Андропов социалистик ҳамдўстлик алоқалари ҳақида гапириб, турмуш биздан социалистик мамлакатлар билан ҳамкорликни шунчаки кенгайтирибгина қолмай, балки унинг сифати, самарадорлигини оширишни тақозо этаётганлигини уқтириб ўтди.

Ўзбекистон ССРда Монголия Халқ Республикаси Кунлари мамлакатларимиз ўртасида дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлашда муҳим босқич бўлиб қолади. Биз дўстларимиз маданиятининг канчалик ривожланганлиги билан танишамиз, улар эса Ўзбекистон халқи СССР қардош халқлари оиласида қандай яшаётганлиги ва меҳнат қилаётганлигини ўз кўзлари билан кўрадилар.

Объективда—Монголия

ГАЗЕТАНИНГ ШУ СОНИГА ФОТОАХБОРОТ

Ёзувчилар анжумани арафасида

КЕЧА

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қабул маросимлари уйида Тошкентда ўтадиган Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг VII конференцияси Халқаро тайёргарлик комитетининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унга Осиё ва Африка ёзувчилари Ассоциациясининг бош секретари Алекс Ла Гума раислик қилди.

Осиё ва Африка ёзувчилари билан алоқалар совет комитети раиси, Осиё ва Африка ёзувчилар Ассоциацияси бош секретарининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари С. О. Азимов икки қитъа адиблари анжуманига тайёргарлик ҳақида гапириб берди.

Халқаро комитет аъзолари конференцияни ўтказишга тайёргарлик юксак савияда олиб борилганлигини, бу анжуман Осиё ва Африка сўз усталарининг ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб ўтдилар.

БИЗ ҲАММАМИЗ—ПАХТАКОРМИЗ

ПАХТАЗОРДАН ДАРАКЛАР

«ОҚ ОЛТИН» — ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 21 сентябрга бўлган маълумот

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён, тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён

Бухоро	1,75	30,29	0,03	0,09
Хоразм	1,62	16,39	0,11	0,29
Навоий	1,18	16,13	0,02	0,02
Сурхондарё	1,42	13,03	0,45	2,11
Самарқанд	1,05	12,74	0,02	0,04
ҚҚАССР	1,30	12,65	0,34	1,05
Қашқадарё	1,08	11,02	0,14	0,35
Андижон	1,23	8,64	—	—
Фарғона	1,45	8,28	—	—
Тошкент	1,23	7,56	0,41	1,03
Наманган	1,03	6,59	—	—
Сирдарё	0,48	3,55	0,01	0,01
Жиззах	0,18	0,73	0,06	0,06
Республика бўйича	1,17	11,29	0,13	0,41

● Республикамизда 21 сентябрь эрталабгача 667.857 тонна пахта тайёрланди. Бир кунлик ўсиш 69.607 тоннани ташкил қилди. Шу кунгача 60.233 тонна нигичка толали пахта йиғиб-терив олинди. Бир кунда 8002 тонна ипак пахта тайёрланди. Машиналарда 16.218 тонна «оқ олтин» терилди.

● Дефолиация давом этмоқда. Далаларнинг 88,4 процентидаги ғўза барглари тушириди.

● АНДИЖОН областининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари давлатга сабзавот топшириш планини 105, хўл мева ва полиз маҳсулотлари топшириш планини 104 процент бажардилар. Ватанга 124 минг тонна сабзавот, салкам 32 минг тонна хўл мева ва 22 минг тонна полиз маҳсулотлари армуғон этилди. Мамлакатнинг саноат марказларига 62 минг тоннадан кўпроқ маҳсулот жўнатилди.

● ЧИНОЗ районидаги Карл Маркс номли колхозда бешта машина пахта теришга киришди. Ҳар бир машина бункеридан ўртача 7—8 тоннадан пахта тўкилмоқда. Колхознинг энг яхши механик-ҳайдовчиси Тўлаган Аликулов эса 9—10 тоннадан аъло сифатли пахта теряпти.

Махсус мухбирларимиз Х. Икромов, А. Хатамов, А. Эгамназаров, А. Абдураззоқовлар пойтахт областидан хабар қиладилар.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ — ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ газеталари, Ўзбекистон радиоси ва «Главташпассавтотранс» бошқармасининг оталиқдаги областлар пахта далаларидаги матбуот маркази.

3. Самарали ёрдам

Етиштирилган мўл ҳосилни жуда қисқа муддатларда йиғиб-терив олиш, ҳар бир дақиқани қадрлаш, «Дала — тайёрлов пункти» конвейерининг ҳар бир участкасида зўр сафарбарлик ва намунали тартиб бўлишига эришиш масаласи кунигача бўлиб ўтган Тошкент область партия комитетининг пленумида алоҳида таъкидлаб ўтилди. Область пахтакорлари йиллик планни 20 иш кунида бажаришни кўзда тутмоқдалар.

Ана шу вазифалардан келиб чиқиб, бўкаликлар «Тошкент технологияси» афзалликларини бу йил ҳам ёқин намоён қилишга интилмоқдалар.

— Бу йил ҳосилдорликни 52 центнерга етказишимизда,— деб ҳикоя қилади райондагина эмас, балки областда биринчилар қаторида машина теримини бошлаган «Коммунизм» колхозининг раиси Сайдираҳим Саймоқов. — «Тошкент технологияси» жуда иш берди. Бу ҳосилга ҳали далага чиққанингизда ишонч ҳосил қиласиз. Тошкентлик машинасозларнинг олтин қўллари билан яратилган қудратли техника «Тошкент технологияси»нинг муваффақиятли амалга оширилишида ҳал қилувчи роль ўйнамоқда! Бу — биринчидан. Иккинчидан эса бу усулнинг муваффақияти интизомга боғлиқ.

Юқори сифатли ва унумли иш тақдирланади. Оқшомхонларга тушунарли бўлиши учун шу ўринда биргина мисол келтириб ўтмоқчимиз. Район механик-ҳайдовчилари ўртасида социалистик мусобақа шартномалари эълон қилинди. Биринчи ўринни олган механик-ҳайдовчига «Жигули», иккинчи ўрин учун «Москвич», учинчи ўрин учун «Запорожец» енгил машиналари, тўртинчи ўрин учун эса кажавали «Урал» мотоцикли берилади. Ҳатто, 15—20-ўринни олган механик-ҳайдовчи ҳам «хафа» қилинмайди. Уларга 300 сўмлик мукофот ёки дам олиш уйларига бепул йўлланма берилади. Бундан ташқари машина теримида пахтанинг қанчалик тозалиги ҳам эътиборга олинянти. Агар ҳар гектар майдонда тўкилган пахта бир центрнердан ошмаса, механизаторга ҳар тонна ҳисобига 15 сўмдан ҳақ тўланади. О. Эргашев, А. Ҳамдамов, Э. Очилов, М. Хўжамов сингари механизаторлар ўтган йили 300 тоннадан зиёд «оқ олтин» териб беришган эдилар.

«Коммунизм» колхозининг пешқадам механик-ҳайдовчи и с и Жалғаш Болатаев ҳам мукофотланганлар ўртасида «қуруқ» қолмади. У СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари виставкаси томонидан бепул «Москвич» енгил машинаси билан мукофотланди. Нуриддин Нуралиев, Абдулла Маматаев, Мансур Рабимовларнинг бу йилги мўлжали машинада 250 тоннадан зиёд «оқ олтин» териб беришдан иборатдир.

Тошкентликларнинг яна бир ёрдами ҳақида айтиб ўтмоқчимиз. Кейинги йилларда айрим пайкалларда ғўза зараркунандалари ораб қолди. Ана шунда тошкентлик олимларнинг ғўза зараркунандаларига қарши биологик йўл билан олиб бораётган кураш тажрибалари ўрганилди. Хўжаликда биолаборатория ташкил этилди. Унинг самараси катта бўлди. Бунинг учун пахтакорлар тошкентлик олимлардан беҳад миннатдор! Негаки, бу усулнинг фойдаси жуда катта бўлмоқда.

Ҳамроҳимиз — район партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири Одил Порсиев бу хўжаликнинг қишлоқлари йил сайин ободонлашиб, гўзаллашиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Ҳақиқатан, 1176 ўринли мактаб, янги ҳаммом, типовой боғча ва бошқа янги тушган биноларни кўрган ҳар қандай шаҳарликнинг оғзи очилиб қолади. Лоф эмас, бу бинолар ниҳоятда қунт билан, оригинал барпо этилган. Архитектураси жиҳатидан ҳам, одамларга қулайлиги жиҳатидан ҳам Тошкентнинг манаман деган мактаб, ҳаммом ёки боғча биносидан қолишмайди.

Ҳа, бугунги қишлоқларимиз жамоли Тошкент архитекторлари, зиёлилари ва меҳнаткашларини н г кўмагида гуллаб-яшнамоқда. Буни Бўка районининг марказида бўлганимизда яна бир бор чуқур ҳис этдик. Бу марказ ҳақиқий шаҳарчани эслатади. Шаҳар билан қишлоқ дўстлиги ва ҳамкорлигининг самаралари яққол кўриниб турибди. Келгусида бу дўстлик янги ажойиб саҳифалар битажак.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● 1983 йил 20 сентябрда Москвада социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари Марказий Комитетлари секретарларининг халқаро ва идеология масалаларига бағишланган кенгаши бўлиб ўтди.

Кенгашда қатнашган қардош партияларнинг идеология ва ахборот-пропаганда соҳаларидаги ҳамкорлигининг муҳим масалалари кўриб чиқилди.

Кенгаш ўртоқлик ва интернационал бирдамлик вазиятида ўтди.

УЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА УЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДАН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг ўринбосари, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Тошкент область Чиноз районидаги Киров номли колхоз пахтачилик бригадасининг бошлиғи Турсуной Охунованинг узоқ давом этган касалликдан сўнг 1983 йил 21 сентябрда 47 ёшида вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қиладилар.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

• *Партия турмуши: ҳисобот ва сайловлар*

ВАЪДА ВАФОСИ БИЛАН

«Ўртоқ» кондитер фабрикасининг конфет цехи партия бюроси секретари К. Эргашевнинг ҳисобот докладини коммунистлар зўр қизиқиш билан тингладилар. Партия ташкилоти ўз ишини шундай ташкил этдики, асосий эътибор ташаббускорликни оширишга, хўжалик фаолияти, ишлаб чиқариш, сиёсий-тарбиявий ишларнинг турли масалаларини ҳал этишга ижодий ва принципиал ёндошишга қаратилди. Цехда ўзаро талабчанлик ошди, меҳнат интизоми мустаҳкамланди.

Бу ерда олти коллектив бригада усулига ўтиб ишламоқда. Участкада 28 коммунистик меҳнат зарбдори ишлаяпти, икки бригада беш йилликда ўн йиллик нормани бажариш мажбуриятини олган шаҳар етти илғор ишчисининг ташаббусини қўллаб-қувватлади. 20 киши эса йиллик планни адо этди. 28 коммунист коллективга бош-қош бўляпти. Улар орасида фабрикада 30 йилдан зиёд вақтдан бери ишлаб келаётган меҳнат ветеранлари ҳам бор.

— Мен 13 йилдан бери ишлайман, — дейди музокарада сўзга чиққан А. Грязнова. — Пенсияга чиқанимдан кейин ҳам цехда ишлай бошладим. Участкада ҳар бир киши топшириқни бажаришга интилади. Ҳом ашё, дастгоҳлар жойида бўлса маҳсулот сифати фақат бизнинг ишга муносабатимизга боғлиқ бўлади. Мураббий сифатида ёшлар билан яқин алоқада бўлишга интиляпман.

КПСС XXVI съездида ўн биринчи беш йилликда айниқса озиқ-овқат саноатига талаб тобора ошиб бораётганлиги таъкидлаб ўтилган эди. Бу совет кишилари фаровонлиги ошгани билан изоҳланади. Кўп миқдорда маҳсулот ишлаб чиқариш кифоя қилмайди, балки унинг сифати ҳам юқори бўлиши керак.

Цех коллективи юксак техник-иқтисодий кўрсаткичларни қўлга киритди, маҳсулот сифати яхшиланди. Бироқ, цехи ҳом ашё ва материаллар, газ ва электр энергияси билан таъминлашда баъзи узилишлар бўлиб турди. Аммо шунга қарамай, цех коллективи шу йилнинг етти ойлик топшириғини муваффақиятли бажарди. Топшириққа қўшимча 265 тонна конфет тайёрланди.

Цех икки марта социалистик мусобақада ғолиб чиқди. З. Иванова ва А. Стоякиналар бошчилик қилаётган бригадалар план-топшириқларини салкам 1,5 ҳиссадан бажармоқдалар, маҳсулот сифати ҳам яхши бўлмоқда.

Бироқ, ҳамон ремонт хизмати ёўш, — деб таъкидлашди музокарада сўзга чиққан коммунистлар. — Айниқса эҳтиёт қисмлар етишмайди, таъминотчи завод эса уни белгиланган дан оз миқдорда юборяпти. Фабрикада эҳтиёт қисмларни тайёрлаш эса анча қийин.

Цех механиги П. Фролов сўзга чиқиб шундай таклиф киритди: «Қорақум» поток линиясининг охирига совутиш мосламаси қўйиш керак. Шунда конфетлар эзилмайди, брак анча камаяди.

Хом ашё ва материаллардан тежабтергаб фойдаланиш борасида нима ишлар қилинди? Бу саволга мастер А. Гуткова жавоб берди. Идишда хом ашёнинг бир қисми қолиб кетяпти. Партия бюроси хўжалик фаолияти устидан қаттиқроқ назорат ўрнатиши керак.

Кондитер фабрикасининг директори М. Каримжонов топширилган иш учун масъулиятни янада оширишга, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг социалистик меҳнат интизомини мустаҳкамлаш тўғрисидаги қарори асосида меҳнат ва технологик интизомни кучайтириш зарурлигига асосий эътиборни қаратди.

Партия ташкилоти ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш, технологик интизомнинг бузилишига барҳам бериш учун курашни кучайтириши керак. Бу масалаларни ҳал этиш муҳим аҳамият касб этади. Негаки, биргина конфет цехининг ўзи бутун фабрикада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг салкам 80 процентини тайёрлаб бермоқда. Йиғилиш қабул қилган қарорда шундай деб ёзиб қўйилди: коммунистларнинг вазифаси — ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатларини пасайтирмаган ҳолда коллективнинг бутун куч-ғайрати, меҳнати ва тажрибасини ўн биринчи беш йиллликнинг марказий йили план-топшириқлари ва социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажаришдан иборатдир.

О. МАЛЮШКО.



БУГУНГИ ТОШКЕНТ.
УзТАГ фотохроникаси.

Илғор тажрибалар адреси

ИБРАТ БЎЛИШМОҚДА

В. Муродовнинг Октябрь революциясининг тепловоз ремонти заводининг асбобсозлик цехига ишга келганига ҳам ўттиз йилдан ошди. Ўшанда ўн тажрибасиз ўсмир эди. Бу ерда ёш ишчи мутахассис сифатида шаклланди, КПСС аъзолигига қабул қилинди. Мана, 20 йилдан бери В. Муродов асбобсозларнинг слесарлар бригадасига бошчилик қилиб келмоқда. Бригада аъзолари тайёрлайдиган маҳсулот — штамплар, турли хил мосламалар, прессформа ва дизель ҳамда тепловозларнинг комплектловчи қисмлари — ишчилардан юксак масъулият талаб қилади. Бригада коллективи бу борада ўз етакчисидан ўрнак олишга ҳаракат қилмоқда.

Бригадада ўзаро аҳиллик — меҳнат қонунига айланган. Бажарилаётган иш учун куюниш, оғир вазиятларда ёрдам қўлини чўзиш коллективнинг асосий фазилатидир. Бригада илғор рационализаторлик таклифларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш, мураббийчилик ҳаракатини авж олдириб, ёшларга касбнинг сир-асрорини мукаммал ўргатишда ҳам ҳайрли ишларни амалга оширмоқда. Йил давомида тасдиқланадиган 25 таклифнинг камида 12 тасини мазкур бригада аъзолари ўртага ташлашади.

С. Нестеренко бригаданинг илғор рационализаторларидан саналади. Киритилган таклифларнинг кўпчилиги ана шу фидокор ишчининг ташаббуси билан ишлаб чиқилди. Социалистик мусобақа аълочиси, коммунистик меҳнат зарбдори С. Нестеренконинг номига 60 та ихтирочилик таклифининг гувоҳномаси ёзилган. Шу йилнинг ўзида унинг тўртта таклифи ишлаб чиқаришга жорий этилди.

Бригадада кўпгина фидокор ишчилар меҳнат қилади. Коллективни шунинг учун фидокор бригада деб аташади. Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, Жанговар Қизил Байроқ ҳамда Қизил Юлдуз орденлари, ўнлаб жанговар медаллар кавалери, меҳнат ветерани В. Хардевич, темирйўлчилар ўртасида ўтказилган социалистик мусобақа ғолиби, Коммунистик меҳнат зарбдори В. Суслов, «Техник ижодиётининг энг яхши ташкилотчиси», асбобсозлик цехи технологи Т. Григорьева шулар жумласидандир.

Бригада аъзоларининг рационализаторлик ҳаракатига актив қатнашуви цех ишлаб чиқариш план-топшириқларининг бажарилишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Натижада ойлик план мунтазам 110-112 процентга ошиғи билан бажарилмоқда.

Илғор коллективнинг ўзи йиллик планни 20 декабрдаёқ ўддалаш мажбуриятини олган.

— В. Муродов бригадаси цехимизнинг энг жонкуяр коллективидир, — дейди цех партия ташкилотининг секретари С. Сарвиров, — Бу бригада ишчилари юксак меҳнат интизоми муҳитини вужудга келтириш, ишга масъулиятли муносабатда бўлишда ибрат кўрсатишмоқда.

Н. КОЗИНСКИЙ.

ЯНГИ ТАЛАБЛАР АСОСИДА

В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети журналистика факультети ва босмахона бошланғич партия ташкилотининг яқинда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилиши ўтган йилларда тўпланган бой тажрибадан фойдаланиш, КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1982 йил) ва июнь (1983 йил) Пленумлари қарорларини изчил амалга оширишга бағишланди.

1982—83 ўқув йилида партия ташкилоти фаолияти тўғрисида партия бюросининг секретари, доцент Т. Р. Пидаев доклад қилди.

— Бугунги кунда олий мактаб оммавий ахборот ва пропаганда воситалари учун кадрлар тайёрлаш бўйича янги талабларга оперативлик билан жавоб бермоқда, — деб таъкидлади докладчи, — янги ўқув йилидан бошлаб мамлакатнинг барча университетларида «журналистика» ихтисоси бўйича янги ўқув плани жорий этилди. Ана шу планга мувофиқ амалий машғулотлар сонини кўпайтириш, назарий таълимни амалий машғулотлар ўтказиш борасида муайян тажриба тўпланди, аммо бу ишда ҳали ҳал этилмаган масалалар ҳам бор. Масалан, ижтимоий-сиёсий ва ишлаб чиқариш практикасини ўтишни тартибга солиш, бир қатор махсус курс ва махсус семинарларни жорий этиш, чет эл матбуоти кафедрасини ташкил этиш шулар жумласига киради.

Йиғилишда шу нарса таъкидлаб ўтилдики, факультет коммунистлари университет, Собир Раҳимов райони ва шаҳар ҳаётида тобора актив қатнашмоқдалар. ТошДУ партия комитетининг, район «Билим» жамияти ва район партия комитетининг топшириғи кўра факультет профессор ва ўқитувчилари бир неча бор меҳнаткашлар ҳузурида КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1982 йил) ва июнь (1983 йил) Пленумлари материаллари ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари материаллари тўғрисида лекциялар ўқишди.

Йиғилишда сўзга чиққан коммунистлардан факультет декани А. Шомақсудов, кафедра мудирлари М. Ҳудойқулов, Ф. Насриддинов, босмахона партия ташкилоти етакчиси Н. Лутфуллаевлар касб танлаш ишини яхшилаш, «Журналист» газетасини мунтазам чиқариш, ишлаб чиқариш практикаси якунларига бағишланган илмий-амалий конференцияга область ва республика газеталари редакцияларидан тажрибали журналистларни таклиф этиш зарурлигини таъкидлаб ўтишди.

Йиғилишда университетнинг VIII партия конференциясига делегатлар, партия бюросининг янги составини, партия бюросининг маъмурият фаолиятини назорат қилиш бўйича комиссияси сайланди.

Партия бюросининг секретари қилиб доцент Т. Пидаев қайта сайланди.

Ф. МЎМИНОВ,
ТошДУ журналистика факультети халқ контроли группасининг раиси.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ДЎСТЛАР ҲАМКОРЛИГИ

БУДАПЕШТ. Венгриядаги «Элги» давлат геофизика институти халқаро ҳамкорликда ўзининг мустаҳкам шерик эканлигини амалда кўрсатди. Бу институт Совет Иттифоқининг турли муассасалари билан мустаҳкам ижодий алоқа боғлаган.

«Элги» директори Пал Моллер бундай деди: «Марс» навигацион геофизика ҳисоблаш системаси яратилганлигини ҳамкорлигимизнинг энг катта самараларидан бири, деб айтиш мумкин. Бу системадан тадқиқот кемаларида денгизлар ва океанлар тубидаги фойдали қазилмаларни кидириб топишда фойдаланилади. Системани ишлаб чиқишда «Элги», «Видеотон» заводи ва «Южморгеология» совет илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси мутахассислари иштирок этди. Умумий қучгайрат билан яратилган бу аппаратура иш унумдорлигини анча оширишга имкон беради. Жумладан, янги техникавий ечимлар жорий этилганлиги туфайли кемалар ҳаракатини вақтида ўлчаш ва олинган ахборотни ишлаб чиқиш имконияти яратилди. Илгари тадқиқот кемалари тўпланган ахборотни ишлаб чиқиш учун бир ярим йилгача вақт керак бўлар эди, энди маълумотлар ўша куннинг ўзида анализ қилинади.

Ҳозирги вақтда биз «Нефтегеофизика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Ғарбий Сибирь филиалидаги шериклар билан бирликда Шимол шароитида конларни геофизик тадқиқ қилиш вақтида фойдаланиш учун ахборотларни қайта ишлаб чиқишнинг ихчам системасини яратиш устида иш олиб бормоқдамиз. Биринчи шундай система яратилиб, Совет Иттифоқига юборилди.

ҒАЛАБА РАПОРТИ

СОФИЯ. Болгариянинг Полски-Тримбеш шаҳридаги Биринчи Май номли машинасозлик заводи коллективи меҳнатда катта ғалабага эришганлиги тўғрисида рапорт берди. Коллектив қардош социалистик мамлакатларга экспорт қилиш планини муддатидан илгари бажарди. Ем-хашак тарқатувчи ўзиюрар қурилма Совет Иттифоқига, ўғит тарқатувчи серунум машина Кубага планда белгиланган миқдорда юборилди. Завод Чехословакиядан олган буюртмаларни ҳам бажармоқда.

Завод конструкторлари Совет Иттифоқидаги ҳамкасблари билан қалин ҳамкорлик қилмоқдалар. Биргалашиб ишлаш натижасида ўсимликларни ҳимоя қилувчи препаратлар учун махсус янги машина яратилди. Бу машинанинг биринчи туркуми сентябрь ойи бошларида Кишиневга юборилди. Янги машинанинг техникавий ва фойдаланиш сифатлари текшириб кўрилгандан кейин Полски-Тримбеш-даги корхонада кўплаб ишлаб чиқарилади.

Америка экономикасининг аҳволи

НЬЮ-ЙОРК. АҚШ ҳукумат муассасаларининг янги статистика маълумотлари Америка экономикасидаги аҳвол маъмуриятнинг юқори мартабали вакиллари тасвирлаб кўрсатишга уринаётганидек у қадар кўнгилдагидек эмаслигини тасдиқламоқда.

Федерал резерв бошқармасининг хабарига кўра август ойида ишлаб чиқариш қувватларининг атиги 76,7 процентидан фойдаланилган. Саноат ишлаб чиқаришнинг ўсиши ўтган ойда кескин секинлашди ва бор-йўғи 0,9 процентни ташкил этди. АҚШда саноат ишлаб чиқаришнинг даражаси ҳамон 1981 йил июль ойидаги даражадан 2,2 процент кам бўлиб қолмоқда. Ўшанда мамлакат иқтисодий кризиснинг навбатдаги босқичига қадам қўйган эди.

Савдо министрлигининг маълумотларига кўра шу йилнинг иккинчи кварталида тўлов балансидаги камомад 9,7 миллиард долларлик рекорд миқдорга етди, йил охирига бориб эса, савдо министри Болдрижнинг фикрича, камомат ҳажми 30 миллиард долларни ташкил этади. Америка экспортининг камайганлиги 300 мингдан кўпроқ иш ўрни тугатилишига олиб келди.

АҚШ. Вашингтонда «Иш, тинчлик ва озодлик талаб қиламиз» шиори остида уюштирилган юришда учюз мингдан зиёд киши иштирок этди. Бу юриш Рейган маъмуриятининг ички ва ташқи сиёсатига қарши норозиликнинг улкан намойишига айланди.

СУРАТДА: юриш қатнашчиларининг колонналарида.

АП—ТАСС фотоси.

КЛИНИКА ИШЛАЙ БОШЛАДИ

КОБУЛ. Афғонистон пойтахтида болалар ва оналар учун мўлжалланган янги клиника ишлай бошлади. Бу — мамлакат кичкинтойлари ва уларнинг оналарига хизмат қилиш учун мўлжалланган 16-медицинка муассасасидир. Клиникада педиатрия, стоматология, гинекология бўлимлари, болалар овқатланиши ва санитария маорифи бўлими бор.

ЯҚИН ВА ЎРТА ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИДА

▲ ДЕҲЛИ. Ҳиндистоннинг Жамму ва Кашмир штатида Покистон агентларининг катта бир тўдаси фош этилди. Маъмурлар вакилининг хабар қилишича, 19 киши қамоққа олинган. Улар Ҳиндистоннинг мудофаа потенциалига оид разведка маълумотларини тўплаш билан шуғулланганликлари терговда аниқланди. Қамоққа олиш вақтида улар ёнидан Покистонда ишлаб чиқарилган қурол-яроғлар, уларнинг кўпорувчилик ишлари билан шуғулланган л и к л а р и н и кўрсатувчи ҳужжатлар ва жосуслик энжомлари топиб олинди.

▲ АММОН. Август ойида Исроилда пулнинг қадрсизланиш даражаси 7,2 процент ўсди. Исроил Марказий Статистика бюросининг хабар беришича, шу йил бошидан бери мамлакатда нархнаво 72 процент кўтарилган. Транспорт хизмати ва алоқа хизмати айниқса кескин қимматлашган. Мутахассисларнинг фикрича, пул қадрсизланиши ўсишининг ҳозирги суръатлари сақланиб қолган тақдирда йил охирига бориб унинг даражаси жуда катта рақамга — 125 процентга етади.

Исроилда пулнинг қадрсизланиши ва нархнавонинг тўхтовсиз ўсиши — Тель-Авив маъмурлари ўтказиб келаётган ва мамлакат экономикасини ҳарбийлаштиришни кучайтиришга қаратилган сиёсат натижасидир.

▲ ҚОҲИРА. «Ас-сиясси» ҳафтаномаси кўплаб мутахассисларнинг Мисрдан кетиб қолаётганлигидан жиддий ташвиш изҳор этмоқда. Ҳолбуки, Мисрнинг ривожланаётган экономикаси малакали мутахассисларга доимо муҳтождир. Расмий маълумотларга қараганда, ҳозирги вақтда 2,5, норасмий маълумотларга кўра эса, 4 миллион киши чет элларда ишламоқда. Кейинги йилларда университет, институт ва ҳунартехника билим юртларини битириб чиққан барча кишиларнинг деярли ярми ишлаш учун давлат сектори корхоналарига боришдан бош тортганлигини шу тарика унга катта зарар етказганлигини ҳам ҳафтаномa ташвиш билан ёзади.

«Ахбар ал-яум» газетаси МАР собиқ президенти Садат вақтида «очиқ эшиклар» сиёсатининг зўлон қилинганлигини бундай аҳволнинг сабабларидан биридир, деб ёзади. Бу сиёсат миллий манфаатларга зид тарзда хусусий корхона эгаларини ҳар томонлама рағбатлантирмоқда.

▲ АДАН. Яман Социалистик партияси ва ҳукумати халқ маорифи соҳасида тараққиётга эришишни энг муҳим социал-иқтисодий вазифалардан бири, деб ҳисобламоқда, деди ЯХДР таълим ва маориф министри Х. А. Ас-Саломи. У республикада нишонланаётган фан кунлари муносабати билан пойтахт меҳнаткашлари ҳузурида нутқ сўзлаб, халқ ҳокимияти йилларида саводсизликни тугатиш ишида ҳам, шунингдек халқ маорифи системасининг қарор топишида ҳам сезиларли муваффақиятларга эришилганлигини уқтириб ўтди. Атиги ўн йил муқаддам Жанубий Яманда биронта ҳам олий ўқув юрти йўқ эди, бугунги кунда эса Адан университетида ва мамлакатдаги бошқа олий ўқув юртларида беш мингдан кўпроқ студент таълим олмоқда. Ҳамма жойда бошланғич мактаблар ва ўқув-ишлаб чиқариш марказлари ишлаб турибди. Ишлаб чиқилган махсус программага мувофиқ келгуси йили саводсизликни тугатиш юзасидан умумий кампания бошланади.

Совет Иттифоқи ва социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатлар маориф соҳасида катта ёрдам бермоқдалар. Демократик Ямандан борган юзлаб йигит ва қизлар ҳар йили шу мамлакатларнинг олий ўқув юртлари ва техникумларида турли касбларни эгалламоқдалар.

▲ ПАРИЖ. Истамбул фавқулодда ҳолат суди таниқли турк журналисти Метин Токерни олти ой муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилди. Бу ҳукм, деб хабар беради Франс Пресс агентлигининг мухбири Истамбулдан, унга Туркия ҳарбий маъмурлари ўтказаётган ички сиёсат танқид қилинган мақолани мамлакатдаги етакчи газеталардан бири — «Миллиёт» газетасида эълон қилганлиги учун чиқарилди. Шу мақолани босганлиги учун газетанинг ўзи ўн кунга ёпиб қўйилган эди.



Перу меҳнаткашлари кенг халқ оммасини ишсизликка, очлик ва қашшоқликка маҳкум этаётган корчалонларнинг ўзбошимча, босқинчиларча фаолиятига қарши норозилик билдирмоқда.

Иш ташлаб Лима майдонларидан бирида йиғилган кончилар қонунсиз ишдан бўшатишларга барҳам берилишини, меҳнат шароитининг яхшиланишини, нарх-навони ошиб бораётганлиги муносабати билан иш ҳақининг оширилишини талаб қилдилар. Иш ташлаганларни тарқатиш учун полиция, броневиклар, катта куч билан сув отадиган машиналар жалб қилинди (суратда).

ТАСС фотохроникаси.

РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ

ЧИҚИНДИЛАРДАН БИНОКОРЛИК МАТЕРИАЛЛАРИ

Тахиатошдаги қурилиш конструкциялари ва деталлари заводи дераза блоклари ва асбест-цемент плиталар ишлаб чиқара бошлади. Бу маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун корхона чиқиндилари ҳом ашё бўлиб хизмат қилди. Якка тартибда уй-жой қуриш кенг ривожланаётган автоном республикада бундай маҳсулотларга талаб катта.

* * *

МАМЛАКАТ ТЎҚИМАЧИЛАРИГА

Киров пахта тозалаш заводининг коллективи ивановолик тўқимачиларга янги ҳосилдан тайёрланган юз тонна пахта толаси жўнатди. Ишлаб чиқариш техника жиҳатдан қайта қуроллантирилганлиги туфайли пахта тозаловчилар ГОСТ талабларига жавоб берадиган тола ишлаб чиқаришмоқда. Қўқондаги иккинчи ва Қува пахта заводлари Россия Федерацияси, Украина ва бошқа қардош республикалар ип-газлама комбинатларига катта туркумда тола жўнатишга ҳозирлик кўрмоқдалар.

(ЎзТАГ).

«Тошкент оқшоми»га хатлар

ТОЗАЛИК — СОҒЛИК ГАРОВИ

Шаҳар, район санитария-эпидемиология станциялари ходимлари озиқ-овқат магазинлари, болалар боғчаси ва корхоналарда рейдлар уюштириб, уларнинг санитария ҳолатини доимо назорат қилиб борадилар. Шунингдек, турар жой массивлари, маҳаллалардаги хусусий уй-жойларнинг санитария ҳолатини назорат қилиб бориш ҳам уларнинг вазифасига киради. Лекин Акмал Икромов район санитария-эпидемиология станцияси ходимлари Ҳ. Абдуллаев маҳалласида етарли даражада иш олиб бормаяптилар. Бу маҳаллада 400 дан ортиқ хонадон бор. Барча хонадон аҳли «Тозалик — соғлик гарови», деган принципга амал қилган ҳолда уй-жойларни озода ва саришта тутишга ҳаракат қилмоқда. Аммо гуруч орасида курмак бўлади, дегандек зиммасидаги масъулиятли вазифага совуққон муносабатда бўлаётганлар ҳам йўқ эмас. Шунинг учун район санитария-эпидемиология ходимлари маҳаллада тез-тез бўлиб, маҳалланинг санитария ҳолатини доимо назорат қилиб турсалар жуда соз бўларди. Чунки назорат бор жойда тартиб бўлади. Буни район санитария-эпидемиология ходимлари ҳеч қачон унутмасликлари керак!

Қ. ҚОСИМОВ,
Ҳ. Абдуллаев номидаги маҳалла комитети секретари.

СОВУҚҚОНЛИК ОҚИБАТИ

Пойтахтимиз тобора гўзаллашиб бормоқда. Шаҳар территориясида кенг ҳажмда ям-яшил ормонлар ташкил этилмоқда...

Бу ишнинг аксича, баъзи жойларда йиллар бўйи яшнаб турган хиёбонлар қаровсизликдан қуриб қолмоқда. Бу билан мен Янгиобод массивида, 230 мактаб ёнидаги боғни назарда тутяпман.

Бундан бир неча йил муқаддам янгиободликларнинг ҳордиқ чиқариши назарда тутилиб, бу ерда 10 гектарга яқин ер ажратилган эди. Йиллар ўтиб боғдаги дарахтлар ҳосилга кирди. Бир сўз билан айтганда, боғ шу ерлик кишиларнинг севимли масканига айланди. Аммо орадан кўп ўтмай боғ қаровсизликдан ўз ҳуснини йўқота бошлади. Бу тўғрида Ҳамза район ободонлаштириш бошқармаси раҳбарларига бир неча бор айтилди. Бироқ улар совуққонлик қилишмоқда.

Улардаги совуққонлик касали 230-мактаб маъмуриятига ҳам юқканга ўхшайди. Чунки шу боққа туташ мактаб боғи ҳам қаровсизликдан нобуд бўлмоқда. Шу зайлда район ободонлаштириш бошқармаси ва мактаб маъмуриятининг боқибеғамлиги оқибатида қўшни бу боғлар бутунлай ҳароб бўлиш арафасида турибди.

А. ОДИЛОВ,
пенсионер.

«Тошкент оқшоми»да босилгандан кейин

«ҚЎПОЛ СОТУВЧИЛАР»

Газетанинг шу йил 6 август сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган мақолада айрим озиқ-овқат магазинларида шиша идишларни қабул қилишдаги нуқсонлар танқид қилинган эди. Мақолага шаҳар савдо Бош бошқармасидан жавоб олинди.

«Мақола Хизмат-беминнат» фирмаси ва Киров райпишчеторги ишлаб чиқариш кенгашларида муҳокама этилди ва тўғри деб топилди. Ана шу савдо ташкилотлари томонидан мақолада кўрсатилган камчиликларни бартараф этишга қаратилган конкрет тадбирлар белгилаб олинди.

«Хизмат-беминн а т » фирмаси бўйича чиқарилган 198-буйруқ билан аҳолидан шиша идишларни қабул қилиш қонқарсиз таш-кил этилгани учун 7-магазин сотувчиси М. Эркаева ва мудири М. Мирсоатов маъмурий тартибда жазоландилар. Киров райпишчеторгига қарашли 10-магазин мудири К. Расулов нуқсонлар қайта содир бўлган тақдирда қаттиқ маъмурий жавобгарликка тортилажаги ҳақида жиддий огоҳлантирилди.

Шаҳардаги барча савдо ташкилотларининг раҳбарларига шиша идишларда маҳсулот сотилувчи барча озиқ-овқат магазинларида бўш шиша идишларни ҳеч қаршиликсиз қабул қилинишини таъминлаш юзасидан кўрсатма берилди. Ушбу масала назорат остига олинди».

Н. АҲМЕДОВ,
Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети савдо Бош бошқармасининг бошлиғи.

* * *

Шунингдек, «Хизмат-беминнат» савдо фирмаси директори вазифасини бажарувчи У. Жўраев имзоси билан олинган жавобда хабар қилинишича, мақола фирма ишлаб чиқариш кенгашида ҳамда 7-магазин коллективи ўртасида муҳокама этилган. Танқид тўғри деб топилган. Фирмага қарашли савдо корхоналари раҳбарларига шиша идишлар қабул қилувчи пунктлар ишини назорат этишни кучайтириш топширилган.

КАМЧИЛИКЛАР ТУГАТИЛЯПТИ

Чорсу массивидаги 14-уйда яшовчи аҳоли редакцияга мурожаат этиб, уйдаги нуқсонлар ҳақида шикоят қилишган эди. Хат текшириш ва чора кўриш учун Октябрь район Совети ижроия комитетига юборилган эди. Қуйидаги жавоб олинди.

«Октябрь район Совети ижроия комитети Чорсу массивида яшовчи аҳолининг шикоятини кўриб чиқди. Ҳозирги пайтда уйда иссиқ сув ва газ таъминоти йўлга қўйилди.

Ҳозир пиёдалар йўлкасини ётқизиш имконияти йўқ. Чунки 14-уй атрофида 10 ва 16-уйлар қурилиши давом этяпти. Кўрсатилган уйлар қурилиши тугагач, пиёдалар йўлкаси ётқизилади».

Б. ДАДАЕВ,
Октябрь район Совети ижроия комитетининг раиси.

Жаҳон аҳлидан ҳар қанча ортиқ бўлсанг ҳам, жаҳоннинг энг кекса, тажрибали муаллими бўлсанг ҳам киши ҳузурига бирор эҳтиёжинг билан борсанг, сенга Афлотун сифатида эмас, бола сифатида бўлиш ярашади.

Мирзо Абдулқодир БЕДИЛ.

Одоб-саҳлоқ ҳақида

Оқшом суҳбатлари

№ 50

Оила даврасида

САДОҚАТ—УМР ЗИЙНАТИ

Мақсад на эди, жаҳона келдинг,
Кайфиятини баён этиб кет.
НОДИРА.

Яшаш яхши, яхши яшаш ундан ҳам яхши! Одамзод пайдо бўлгандан бери ҳамиша яхши яшаш учун интилган. Кимдир яхши яшашликнинг мағзини бойлик орттириб, ўзи учун роҳат ва фароғат яратишда деб тушунган бўлса, кимдир яхши ном қолдириш учун ҳаракат қилган. Бунинг учун суронлардан, бўронлардан ўтиб келган. Бизнинг давримизгача етиб келган, авлод ва аждодларимиз ҳам қадрлаши аён бўлган бундай зотлар олдида ҳамиша сажда қиламиз. Ақл билан иш юритиб, (одатда, кўп нарсанинг баҳоси арзон бўлади дейишади, ақл эса аксинча ортган сари шунча қимматлашади), ақл билан дўст тутиниб, одамларга яхшилик қилишни ўйлаган, уларнинг софлиги ҳақида қайғурган, «Эркак шердан сут талаб», «Ўргимчак инидан пар», «Илон оғзидан шакар», «Гадолардан зар» талаб Зебунисолар ҳақида тўлқинланиб сўзлагим келади.

Яқинда, Зебунисо ҳақидаги айрим манбаларни ўрганишга тўғри келиб қолди. Тарихчилар хассос шоира Зебунисо ҳақида: «Отаси ҳукмдорлик билан қозона олмаган шуҳратни Зебунисо илм ва одоб билан қозона олди», деб таърифлашибди. Бу шуҳрат — эл ёрлиғи, илм ва одоб ила одамийликка қўйилган ҳайкал олдида ҳаяжонга тушдим. Бутун умр илк севганига садоқат билан ўтган шоиранинг:

Тандин ажралсин у бош, гар лойиқи дор бўлмаса,
Синсин ул қўл; ёр бўйнига агар бор ўлмаса,
Ҳар матога бор харидор ҳуснинг бозорида,
Не учун Зебунисо қариб харидор ўлмаса,—

деган мисраларини ўқиб ўйланиб қолдим. Шох қизи, шоиралар, оқилалар, қоларса ҳусн шохи Зебунисонинг танҳоликка юз буришига, ҳис ва туйғуларини жиловлай билишига, аёллик ғуруруига доғ туширмаслигига, албатта ҳаё ва ибоси сабаб деб билдим.

Яқинда редакцияга хат келди. Уни Нафосат Файзиева ёзади: «Она улуғ, она мўътабар. Оналарни ҳар қанча эъзозласак арзийди. Аммо жажжи Фаррух, бугунги кунда ҳам отадан, ҳам онадан ажралиб, болалар уйида тарбияланаётган Фаррух бир кун ўз жигаргўшаларига қандай меҳр-оқибат кўрсатаркин? Гарчанд унинг онаси ҳозир ўзгага турмушга чиқиб кетган, отаси эса... Очиғи воқеа бундай бўлганди: Фароғат Тўраева исмли қиз район касалхонасининг травматология бўлимида санитарка бўлиб ишлайди. Ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган бу қизнинг саёқ йўлга киришига балки ўзининг енгилтаклиги, балки Ҳазратқулнинг таъриф-тавсиялари сабаб бўлдимикан, хуллас беш фарзандининг отаси билан тунларини бирга ўтказадиган, кунларини усиз тасаввур қилолмайдиган бўлиб қолди. Бу орада Фаррух туғилди. Шарм ва ҳаёни оёқ ости қилган қизгина уялмай-нетмай боласини ўз уйига олиб борди. Ота эса бу воқеадан пуллик бўлиб қолиш пайига тушиб, Ҳазратқулдан қизи учун 2000 сўм талаб қилди. Югуриб-елишлари натижасида 1500 сўмлик бўлиб қолди...».

Воқеани шарҳлаб ўтирмайман. Сабаби бу пасткашликларни шарҳлашга журъат ҳам, хоҳиш ҳам йўқ. Чунки ор-номусни оёқ ости қилган Фароғат ва Ҳазратқулларни, қиз хунини олиш учун югурган отанинг қилмишларини келажакнинг ўзи жазолайди.

«Нодонликнинг ҳам, касалликнинг ҳам сабаби бекорчиликдир», —деган эди Абу Али ибн Сино. Фароғатнинг она деган номга доғ туширишида ҳам, Ҳазратқулнинг шармандаи-шармисор бўлиб, хотини ва болалари олдида бош эгиб туришига ҳам менимча бекорчилик, бемазачилик сабаб бўлган бўлса керак.

Бекорчилик қурбондаридан яна бири Моҳира исмли аёлдир. У Тошкент областида яшайди, икки ўғли, ўн беш йиллик қадрдон эрини ташлаб бегона эркак билан қаёққадир кетиб қолганлиги ҳақида бизга хабар келди. Болаларнинг тақдири бизни ташвишга солди. Эр ҳамиятини оёқ ости қилган аёл билан учрашишга ошиқдик. Биз бу хонадонга етиб келганимизда, орадан ўн-ўн беш кун ўтган, хотин эса тавбасига таяниб, бош эгиб уйга қайтган экан. «Бундай бўлишига нима сабаб бўлди?» — сўрадик Моҳирадан.

— Кўнгил...

«Душман нималар демас, кўнгилга қўйиб берсанг нима наъмалар қилмас»,— дейди халқимиз. Бу аёл «кўнгил» деб оналик обрўсини поймол қилибди, виждонини бир соғлиқ ҳис-туйғулар, фавқулоддаги ҳаяжонлар қурбони қилибди. Меҳрибон эр, эсини таниб қолган ўғиллари кўнглига дарз туширибди.

Инсон кўнгли бир ойна,
Синса асло тузалмас.

Мен Зебунисодан гап бошлаганимнинг сабаби, аёлларимиз ҳақида, уларнинг ҳулқ-атворлари ҳақида гаплашиб олгим келганлигидан эди. Аслида бу суҳбатга кўп йиллардан бери кўрмаганим — бир дугонам сабаб бўлганди. Кўпдан бери учрашмаган танишлар албатта нечта тилла тақинчоқларинг бор ёки машинанг борми? — деб сўрашмайди. «Фарзандларинг нечта, турмуш ўртоғинг яхши юрибдими?» — деган саволлар сўралади. Бу гал ҳам шундай бўлди.

— Уч марта турмушга чиқдим. Уччаловидан биттадан фарзандим бор. Маоши катталарни танлаб чиққандим. Ҳозир алиментлар ҳисобига подшолардек яшаяпман,— дейди-я у уялмай-нетмай!

Қулоқларим олдида бир вақтлардаги орзу ва мақсадлари покиза дугонамнинг эмас, балки бозорчи бир хотиннинг товуши жаранглагандек бўлди: Ажралиш дақиқалари, иложи борича фарзандлари учун отасидан кўпроқ пул ундириб олишга интилган, бунинг учун виждони ва ҳамиятидан айриліб елиб-югурган аёл кўз олдимда гавдаланди...

Тақдирни инсон ўз қўли билан яратади,— дейишади. Кимда ким ўз мақсадига етишиш учун жасоратли бўлса, албатта кам бўлмайди. Зотан, кўп тақиллатилган эшик очилмай қолмайди. Бу аёл эса тақдирини алиментлардан кўрибди, шунга интилибди. Орамизда шундай аёллар борлигига, аёл номининг улар сиймосида бу қадар ҳорлигига афсуслар қилдим. Биз дунёни гуллатиб-яшнатиш, дегиналарни кезиб ўрганиш учун, ер ости бойликларини топиш учун, ёрнинг ҳамма қитъасини ва бойликларини билиш учун келганмиз. Орамизда меҳнати ва муҳаббати билан обрў орттирган аёллар жуда беҳисоб. Аммо шоли орасидаги курмакдек юқоридаги тахлит аёлларимиз:

Лайли зотидан эсам-да, дилда
Мажнунча ҳавас,
Тоғу тош кезгум келур, лекин йўлим тўсгай ҳаё, —

деб куйлаган Зебунисо бегимнинг ибосидан, садоқату ғуруридан ҳар қанча ибрат олсалар арзийди.

У. АБДУАЗИМОВА.

Ишхона — иккинчи уйимиз

ДЎСТ БЎЛМАСА ҚАЙДА ЮРАК ОРОМИ?

Катта ҳаёт йўлида одимлаётган киши умрининг учдан икки қисми ишхонада ўтади десак, хато қилмаймиз. Агар бирор киши ўзи меҳнат қилаётган даргоҳнинг аҳли билан сиғиб кетган бўлиб, меҳнати сингиган бўлса, мана шу жойга доим талпинади, аҳиллик иттифоқи уни ром этади.

Биз бир муаммога ечим бериш учун Тошкент ветеринария станцияси биносига тўпландик. Бу бир мўъжазгина даргоҳ ўзининг шинам ва саришталиги билан ажралиб туради, ҳовлиси сўлим ва ором бахш, турфа гуллар атрофга жозиба бағишлайди. Мазкур даргоҳнинг кираверишида, пойгак қисмида деворга қадалган ойнаванд кўргазма бўлиб, зирхлари ҳошия билан безалган. Ўқувчилар наздида доимо қувноқ бўлган Карлсон каттагина табрик хатини кўтариб турибди. Унда «Табриклаймизлар» деган хитобнома бўлиб, шу кунда туғилган кишининг исми, фамилияси ва унинг шаънига баён этилган илиқ истаклар турибди.

Қандай яхши, ўз вақтида чуқур эҳтиром билан туғилган кишини муборакбод этиш, шу даргоҳда меҳнат қилаётган фаррошми, қоровулми ёйинки раҳбарлик лавозимидагиларми, ўзининг туғилган кунидан огоҳ бўлгани учун идора ходимларидан ниҳоятда миннатдор бўлади. Умуман олганда, бундай оддийгина бир тадбир мазкур идоранинг аҳли ўз ходимлари нафасидан огоҳ эканлигидан дарак беради.

Қизиқ, ҳаётда шундай корхоналар ҳам борки, ундаги раҳбарлар ўз ходимларининг ҳаёти, маслаги, ҳатто саломатлиги билан қизиқмайдилар. Улар учун бунинг аҳамияти йўқдай кўринади. Каттагина бир корхонада Ровза Билоловна 78 ёшига қадар ишлаб чиқариш бўйича катта бухгалтер бўлиб ишлар эди. Суяги ҳисоб билан қотган бу аёл ўз ишининг пири сифатида ном чиқарган. Унинг хизматида нуқсонлар топилмас, мазкур идора раҳбарлари эса, бу аёлнинг ишидан доимо кўнгиллари тўқ бўлиб, ҳар қандай текширув-тафтишчи келса ҳам кўкракларини ғоз тутиб юрар эдилар.

Ёш ёшлигини қилар экан, биз мадҳ қилаётган аёл ишдан бўшаб қарилик гаштини суришга чиқди-ю, унинг ўрнига бошқа киши келган бўлса-да, идора ҳувуллаб қолди. Шуни айтиш керакки, Ровза Билоловна пенсия ёшидаги синглиси билан бир квартирада туришарди. Кунлар, ойлар ўта бошлади. Ровза Билоловна етмиш тўққизга, саксонга кирди, бироқ упи эслаб идорадан, ҳатто ўзининг шогирдларидан бирортаси келиб холидан хабар олмади.

Бир уйда икки кекса, Ровза Билоловнанинг синглиси 60 ёшгача ишлаган бўлсада, ҳали-ҳали ишхонасидан одамлар келиб ҳолидан хабар олиб турар, ишхона ҳаётидан лавҳалар келтириб гурунг қурар эдилар. Ички азият туғёнига тушган Ровза Билоловна ўз синглиси олдида ўзининг «аҳил коллективи» ҳақида бирор сўз очишга ожизлик қилиб қолди. У гоҳо ўзини эслаб туришгандай хатти-ҳаракат қилиб кўрди: байрам кунлари ўз номига ўзи телеграммалар уюштириб, гурунг қурар йўллайдиган бўлди. Ровза Билоловна 78 ёшгача ҳалол ишлаб бирорта ҳам нуқсонларга йўл қўймай, эндиликда ўзи қандайдир «хийла» чиқараётганидан ўта қуйиниб кетди. У оғир хасталикка чалиниб қолди: тез-тез алаҳсирар экан, ўша кўп йиллар бирга ишлашган ходимларнинг номини тилга олар, унинг оғзидан «Ҳадича», «Розия», «Айрапетовна!» деган сўзлар чиқа бошлади.

Ровза Билоловнанинг синглиси опасининг ишхонасига борадида, бўлаётган воқеалардан оғоҳ қилиб, иложи бўлса, опасини бир кўриб ўтишларини илтимос қилади. Ана шундагина Ровза Билоловнани—40 йил ҳалол меҳнати билан оғизлардан тушмайдиган аёлни эсга оладилар. Бухгалтерия ходимлари маҳаллий комитетдан моддий ёрдам уюштириб, совға-салом ва мўъжазгина гулдаста олиб Ровза Билоловнани туғилган куни билан муборакбод этишга боришди. Бироқ, улар Ровза Билоловнанинг уйига келишгач, фавқулодда воқеа устидан чиқиб қоладилар. Эшик олдида сувдек сукунат, белига қийиқча тутган, мотам либосида одамлар туришар эди. Ҳа, Ровза Билоловна вафот этганига уч кун бўлган эди.

Бу ўринда доно Носир Хисравнинг сўзлари эсга тушади:

Дўст дийдорин кўрмоқ — шодлик давоми,
Дўст бўлмаса қайда юрак ороми.

Тўғрисини айтганда, биз гоҳо бир неча йиллар бадал бирга ишлаган, кейинчалик пенсияга чиққан устоз, сафдошларни эсдан чиқариб қўямиз. Ваҳоланки, улар кейинги авлодни катта ҳаётнинг равон йўлидан юришга ўргатган таррук ва мўътабар инсонлардир.

Маннон НАБИЕВ,
химия фанлари кандидати.

«ИНСОН—ҲАЁТ ГУЛТОЖИ» АНКЕТАСИ

саволларига Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институтининг директори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, фалсафа фанлари доктори, профессор Музаффар ҲАЙРУЛЛАЕВ жавоб беради:

1. Инсонийлик деганда қайси фазилатларни тушунасиз?

2. Қандай одамни ёмон кўрасиз ва нима учун?

3. Умрингиздаги энг бахтиёр дамларни айтсангиз.

4. Эътиқод масаласига қандай қарайсиз?

5. Оилада, фарзандларга муносабатда энг муҳим нарса нима деб ҳисоблайсиз?

6. Бўш вақтингизни қандай ўтказа сиз?



1. Инсонийлик — бу инсонни севиш, одамларнинг дарду-севинчини ҳис эта билиш, унга шерик бўлиб бирга қайғуриш ва ҳурсанд бўлиш, уларнинг яхши ният, мақсадларини юзага чиқаришга имкон борича ёрдам бериш, инсоннинг етуклиги учун курашишдир. Ҳозирги кунимизнинг реал вазифалари ҳақида гап борганда, инсонийлик инсоннинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини тўла қондиришга қаратилган ривожланган социализм жамиятини мукаммаллаштириш, ижтимоий равнаққа, маънавий баркамолликка олиб борувчи коммунизм жамиятини барпо этиш вазифаларини амалга ошириш йўлида сидқидиллик, поклик садоқат билан хизмат этишдир. Партиямиз, давлатимиз олдинга қўйган амалий тадбирларни рўёбга чиқариш билан инсонларнинг етукликка эришувига хизмат қилган бўламиз.

2. Нопок, ўз ниятмақсадларини амалга ошириш учун ҳамма нарсага тайёр бўлган, юлғич, худбин, меҳнатсиз роҳат ва обрў талаб қиладиган, қатъий маънавий принциплари бўлмаган, шароит, амал-мартабага қараб хамелион сингари тез ўзгариб, турли рангда кулиб турувчи одамларни ёмон кўраман. Афсуски, жамиятимизда шундай одамлар ҳам учраб туради.

3. Бахтиёр дамларим кўп бўлган. Университетни битирганимда, диссертация ёқлаганимда, ота бўлганимда, китобларим нашрдан чиққанида шубҳасиз ўзимни бахтиёр ҳис этганман. Улуғ Ватан уруши ғалаба билан тугаганлигини эшитиб хурсандлигимдан, бахтиёрлигимдан йиғлаб юборганим эсимда — чунки уруш бизнинг оиламизга жуда кўп қийинчиликлар олиб келган эди. (Мен унда ўн тўрт ёшда эдим, Андижонда ўқир эдим.)

4. Эътиқодсиз, бирнарсага чуқур ишончсиз, маълум принципларга қатъиян инонмасдан, уларга садоқатли бўлмасдан мақсадсиз яшаш — бу ҳаётда доимо пайпасланиб юриш, қоронғида бирон-бир нарсани қидириш деб биламан. Одамларнинг эътиқоди қанча буюк ва мустаҳкам бўлса, уларнинг ҳаёти шунчалик мазмунли бўлади, улар ҳаётнинг майда-чуйдалари, тебранишлари, қийинчиликлари олдида мустаҳкам бўладилар.

5. Оилада, фарзандларга муносабатда, менимча энг асосий нарса ишонч ва поклик, қалбақиликка йўл қўймаслиқдир.

6. Илм билан машғул бўлган одамнинг бўш вақти бўлмаса керак, чунки ҳар доим мияда илмга алоқадор масалалар айланиб юради. Хизматдан ташқариги вақт ҳақида гап борганда, бундай вақтларда оилам билан, дўстларим билан бирга бўлишни, газета-журналлар кўришни, кино, театрларга, қариндошларникига бориб туришни маъқул кўраман.

Одамлар орасида

МЕҲРИНГИЗГА ДИЛДАН ТАШАККУР

Инсонни жамики мавжудотдан ажратиб, юксакка кўтариб турадиган нарса унинг фикрлаш қобилияти ва нутқи, деган қараш бор. Мен ана шу фазилатлар қаторига меҳрни ҳам қўшган бўлардим. Зотан, инсон бир-бирига меҳр-оқибати, самимияти билан шарифдир.

Нақл қиладиларки, балиқ сув билан, одам одам билан тирик. Ҳар кун, ҳар дам қувончимизни, ташвишларимизни ёр-дўстлар билан баҳам кўрамиз. Ҳаётни бу-ларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Робинзон Крузо каби танҳоликда яшаш, демакким одамлардан ажралиб қолишдан ҳам оғир азоб бўлмаса керак.

Баъзан шундай ҳам бўлади: турмуш ташвишлари, майда-чуйда воқеалар билан ўралашиб қолиб, ёнверимизга хотиржамроқ назар ташлай олмаймиз. Ёр-дўстларимиз, қўни-қўшниларимиз ҳолидан хабар олишга, бетоб бўлиб қолган ёки қийин аҳволга тушган яқинларимиз кўнглини кўтаришга имкон топмаймиз. Натижада уларнинг дилларида нохушлик уйғонади, биздан кўнгиллари қолади, кўз ўнгида обрўйимизни йўқота бошлаймиз. Ахир, меҳрли бўлсанг, одамлардан ҳам меҳр кўрасан, деб бежиз айтишмайди.

Яқинда шундай бир воқеани эшитдим. Кекса киши йўлда келаётиб, тўсатдан юрак тутқаноғи тутибди-ю, йиқилиб қолибди. Шу лаҳзада ён-верида ҳеч ким йўқ экан. Аммо ўтган одамлар унга эътибор беришмаган. «Маст бўлса керак», деб хаёл қилишганми. Ҳар қалай эътиборли бир одам чолга ёрдамга келганида, кеч бўлган экан. Агар дастлабки ўтган одамлардан бири бир лаҳза бўлса ҳам эътибор қилганида, унга яқинлашиб аҳволни билганида бу бахтсизлик рўй бермасди.

Яна бошқа бир мисол. Бу воқеани редакцияга Уста Ширин кўчаси, 79-уйда яшовчи Мирзаевлар оиласи ёзиб юборган. «Ҳурматли редакция! Бизнинг оила бошлиғимиз, отамиз Тўра Исаевич Мирзаев Улуғ Ватан урушининг иккинчи группа инвалиди, меҳнат ветерани. Отамизнинг олти фарзандлари, уч куёвлари, келинлари ва 12 набиралари бор. Биз, фарзандлари турли корхоналарда ишлаймиз. Фаровон ҳаёт кечирамиз. Отамиз билан беҳад фахрланамиз. Чунки у киши Брянск, Воронеж ва бошқа шаҳарларни озод этишда қатнашганлар, урушнинг сўнгги кунигача жангда бўлганлар. Аммо уруш ўз асоратини қолдирган. Ҳозиргача бунинг азобини тортадилар. Яқинда отамиз ўз машиналарида кичик қизлари ва сакқиз ойлик набиралари билан Октябрь колхоз бозорига борганлар. Ҳар хил кўкат ва мевалар олиб, машина турган томонга юрганлар. Ярим йўлга етганда юрак ришларри тезлашиб, нафас олиш қийинлашиб қолган. Беҳол деворга суяниб турганларида, бир ёш йигит келиб ушлаб қолибди. «Ўғлим, машинада боларим ўтирибди, дорим деб сўрасангиз олиб беришади, тезда олиб келинг», деб илтимос қилибдилар. Йигит чопиб бориб, дорини олиб келгунча отамиз ҳушдан кетган эканлар. Тез ёрдам кўрсатиш зарур эди. Бу ҳолни кўрган бир неча ёш йигит 4-поликлиникага чопиб бориб носилка олиб келишган. Сўнгра отамизни шу поликлиникага олиб боришган. Врачлар ҳам тезда ёрдам кўрсатиб, отамизнинг ҳаётини сақлаб қолишибди. Бояги нотаниш йигит отамизни суяб олиб чиқиб, машинага ўтказибди, ўзи уни бошқариб, уйга олиб келибди. Келгандан кейин ҳам, отамизни каравотга ётқизишга кўмаклашди, ширин гаплар билан бизга дадда бериб, хайрлашиб чиқиб кетди. Уйдагилар бўлган воқеадан шошиб қолганлари сабабли йигитнинг номини ҳам, адресини ҳам сўрашмабди. Бу йигитга самимий дил сўзларимизни изҳор этолмаганимиздан афсусландик.

Эшитишимизча, отамиз беҳуш бўлиб ётганларида ва врачлар ёрдам кўрсатаётганида нотаниш бир аёл опамизни ва унинг фарзандини юпатиб, далда бериб турган. Жамиятимизда меҳрибон, самимий, софдил кишилар қанчалар кўп, биз улардан бир умр миннатдормиз. Отамизнинг ҳаётини сақлаб қолишда сидқидилдан ёрдам кўрсатган барча нотаниш дўстларимизга газета орқали самимий ташаккуримизни етказсангиз.

Мирзаевлар оиласи».

Икки воқеа, икки хил манзара. Бири эътиборсизлик, бепарволик, бемеҳрлик қандай оқибатларга олиб келишини кўрсатса, иккинчиси ҳамиша ёрдамга тайёр туриш, ўзгалар ташвишига шерик бўлиш нақадар олижаноб, эзгу иш эканлигидан далолат беради. Эзгулик эса, ҳеч қачон унутилмайди. Инсоннинг ҳақиқий қадр-қиммати ҳам ана шу эзгу ишлари билан белгиланади.

Н. МУҲАММАДИЕВ.

Сўлим боғ қучоғида икки дугона суҳбати.

М. Нуриддинов фотоэтюди.

ШИНГИЛ ЎГИТЛАР

ЮРАК ЕНМОҒИ КЕРАК

«Юрак ёнмоғи керак» деган доно даъват бор. Дарҳақиқат юраги ёниб, куйиб-пишиб юрадиган одамлар кўп. Аммо ҳаётда юраги ёнмайдиган кишилар ҳам учрайдики, улар на ўзига, на ўзгага наф келтиради.

ОЛИЖАНОБ ИНСОН

Манфаатдорликнинг катта-кичиги ва уни хушламайдиган одам бўлмайди. Демак, ўз манфаатидан кечиб ўзгага хизмат қила олган киши олижаноб инсондир.

РАҲНАМОЛИК ҚИЛАДИ

Қуёш ботади, аммо унинг ҳарорати табиатни илитиб туради. Шунга ўхшаш буюк одамлар дунёдан ўтадилар-у, фикр-ғоялари инсонга раҳнамолик қилаверади.

ХАЗИНА

Нон ҳамма учун баробар энг севимли ва тўйимли овқат бўлса, адабиёт ва санъат ақл хазинадир. Аммо бу хазинадан баҳраманд бўлиш ҳар кимнинг қўлидан келавермайди.

ЖИНОЯТ

Яранинг олди олинмаса, у газак олади-ю, лекин уни доволайдилар. Аммо ёмонликнинг олдини олмаслик — бу жиноят. Чунки у борган сари катталашиб халққа, жамиятга зарар етказадиган бўлиб қолади.

Кудратилла ИНОҒОМОВ.

ЯХШИ ХИСЛАТ—ГЎЗАЛ ФАЗИЛАТ

ХУШМУОМАЛА БЎЛАЙЛИК!

Маданийлик, одоб ва ахлоқ тўғрисида кундалик турмушда кўп гаплашамиз. Ҳар бир инсон буни ўз тушунчасига кўра талқин қилади. Аввало, маданиятли киши нутқ маданиятини ва тинглай билиш қонадасини эгаллаши зарурдир.

Нутқ маданиятида сўзлашиш оҳанги катта аҳамиятга эга. Ўзини тўғри сўз деб ўйлаб каттаю-кичикка, ёшу қарига баб-баравар муомалада бўлиш яхшилик келтирмайди. Айниқса шартакилик ҳеч қачон ахлоқий гўзаллик ҳисобланмайди.

Ҳаммамизга маълумки, ҳар бир соҳада ишлаганда ҳам зийрак ва хушмуомала бўлиш зарур. Яхши ўйлаб гапирилган сўздан кишининг нерв толалари роҳатланади ва аксинча, дўқ билан бақириб-чақириб айтилган гаплардан эшитувчиларнинг асаблари таранглашади, қон томирлари торояди, юрак уриши тезлашади. Жамоат ўртасида ниҳоятда маданиятли, аниқ, равшан сўзлар билан мулоқотда бўлишни билишимиз зарурдир. Айтайлик, сиз шундай яхши фазилатли бўлишни истайсизу, аммо юқоридаги ҳислатлар унча яхши таркиб топмаган. Бундай ҳолда нима қилиш керак? Бунда характерингиздаги, деярли одат тусига кириб қолган салбий одатларни йўқотиш ва ўзингизда юқоридаги каби ижобий сифатларни тарбиялаш учун ҳаракат қилишингиз, ўзингизни ўзингиз ўзгартиришингиз, тузатишингиз лозим бўлади. Бунда киши ўзига «Менда қандай ҳислатлар ижобий-ю, қандайлари ортиқча ёки қандай хислатлар «етишмайди» деб савол бериши керак.

Кўпинча ёшлар ўзлари ўқиган китобларидаги образларга тақлид қиладилар, ижобий хислатларни ўзларида синаб кўрадилар. Бундай таққослашлар ҳам уларнинг фазилатли бўлишларида биринчи ёрдамчилардир. Ҳар бир инсоннинг энг яхши маслаҳатгўйи унинг ўз виждонидир. Киши турмушда айрим қийинчиликларга учраганда ёки унинг юриш-туришини номаъқул топганларида ўз ўрнига севикли адабий қаҳрамонларини бир зум қўйиб, «Менинг ўрнимда у бўлганида нима қилар эди?» деб ўз-ўзига савол бериб кўриши ҳам унинг ўз-ўзини тарбиялаш ишига, ўзини тута билиш ва айни вазиятда бирдан бир тўғри йўлни белгилашига яхши ёрдам беради. Биз баъзан ёш, тажрибасизлиги муомаласидан сезилиб турган цех ёки бригада раҳбарларига дуч келамиз. Улардан айримлари ўзларини кўрсатиш учунми бировларнинг камчиликларини иложи борича кўпчилик олдида юзига солиб уялтиришга интилишади. Бундай кишилар узоқ вақт ишчиларга бошчилик қилолмаслиги аниқ. Яна, мақтанчоқлик энг олий фазилат ҳисобланган камтарликка зиддир. Одобли киши ҳеч қачон билими, мансаби, маданийлиги билан ҳам мақтанмайди. Иложи борича содда, камтар ва самимий бўлишга ҳаракат қилади. Ўзини ҳаммадан улуғ ҳисобланган киши эл эъзозига асло, сазовор бўла олмайди.

Самимий бўлиш деганда жумладан, керакли гапни керакли ерда сўзлаш тушунилади. Чиройли нутқ чиройли фикрдан, чиройли фикр эса қалб гўзаллигидан таркиб топади. Қалби пок инсон беҳуда сўзларни ишлатишдан, бошқаларга яхшилик қилишни истайдиган киши қўпол сўзлашдан ўзини тияди.

Ҳар бир ишда гўзал ахлоқли бўлган киши етук инсон ҳисобланади. Масалан, саломлашаётганда аввал кичик ёшдаги киши салом беради. Кўпчилик олдига кирган киши ёшидан қатъий назар қўлини кўксига қўйиб даврадагилардан аввал салом бериши шарт. Агар тенгқур аёллар ва эркаклар бўлса, эркак киши биринчи бўлиб қўл узатмаслиги керак. Лекин ёш жиҳатидан улуғ ва мансаб жиҳатидан юқори бўлган эркаклар биринчи бўлиб қўл узатиши лозим.

Киши ўз умрининг маълум қисмини фақат сўзлашиш билан ўтказади. Сўзлашиш эса инсон саломатлигига ижобий ва салбий таъсирини кўрсатмай қолмайди. Аммо биз ўзимиз фойдамизга-гина эмас, атрофимиздагиларни ўйлаб сўзласак самимийлигимиз намоён бўлади. Ҳар биримиз, кечқурун дам олишга ётишдан олдин шу кунги қилган ишимизни, бошқалар билан бўлган муомаламиз, юриш-туришимизни кўз олдимизга бирма-бир келтириб, хулоса чиқарсак, айни муддао бўлади. Бу ҳам бир фазилат.

О. КАРИМОВА.

Редактор Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

3 ТОШКЕНТ ВЕТ. ОҚШОМИ

22 СЕНТЯБРЬ 1983 й.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 22/IX да **Дилором**, 23/IX да **Анна Каренина**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 22/IX да **Келинлар қўзғолони**, 23/IX да **Ҳар тўйнинг бир айб**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 22/IX да **Ешлинда берган кўнгил**, 23/IX да **Хизматингизга тайёрмиз**.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Аёл—йиртқичлар даврасида»** аттракциони иштирокида **Москва** цирки артистларининг гастроллари (19.30 да).

КИНО

22 СЕНТЯБРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ҚАСАМ ВА ВАЪДАЛАР» — **Санъат саройи** (19.15; Телефон 44-21-74), **Чайка** (18.30, 21.00; Телефон 77-06-20), **Ватан** (18.00, 21.00), **Қозғистон** (17.00, 20.00; 12.00, 15.00, 18.00, 21.00; Телефон 35-24-92), **Хива** (21.20, Телефон 32-78-02), **Москва** (19.00; телефон 33-05-01), **Нукус** (21.00; телефон 46-70-69).

«ВАРЧА УЧУН ОДИЛ СУД» — **Фестиваль**— (21.20, Телефон 32-78-02), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25)

«ХХ АСР ҚАРОҚЧИЛАРИ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда; телефон 78-47-25).

«ХОН АСПАРУХ» — **Восток** (18.30, 21.00; телефон 91-14-61).

«ЯНГИ ЧАҚИРИЛГАНЛАР УРУШГА ЖЎНАМОҚДАЛАР» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

«ОЛИЙ ТАБАҚАДАГИЛАР» — **Искра** (18.00, 21.00, телефон 39-14-59).

«ГРАЧЛАР» — **Собир Раҳимов номли** (17.00, 19.00, 21.00); телефон 48-46-71).

23 СЕНТЯБРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ҚАСАМ ВА ВАЪДАЛАР» — **Санъат саройи** (11.30, 14.00, 16.30, 19.15; Телефон 44-21-74), **Чайка** (11.00, 13.30, 16.00, 18.30; 21.00; Телефон 77-06-20), **Ватан** (12.00, 15.00, 18.00, 21.00), **Қозғистон** (11.00, 14.00, 17.00, 20.00; 12.00, 15.00, 18.00, 21.00; Телефон 35-24-92), **Хива** (21.20), Телефон 32-78-02), **Москва** (10.00, 13.00, 16.00, 19.00; Телефон 33-05-01), **Нукус** (10.00, 21.00; Телефон 46-70-69).

«ЗОРРО» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (12.00, 15.00, 18.00, 20.30; Телефон 78-47-25).

«БАРЧА УЧУН ОДИЛ СУД» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52), **Фестиваль** (21.20), телефон 32-78-02).

«ХХ АСР ҚАРОҚЧИЛАРИ» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«САДОҚАТГА СОТҚИНЛИК» — **Восток** (11.00, 13.30, 16.00, 18.30, 21.00; Телефон 91-14-61).

«ОЛИЙ ТАБАҚАДАГИЛАР» — **Искра** (12.00, 15.00, 18.00, 21.00; Телефон 39-14-59).

ТВ

22 СЕНТЯБРЬ — ПАЙШАНБА

Марказий телевиденининг «Восток» программаси

19.00 Халқ куйлари. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Китоблар — дўстлик жарчилари». Москва IV халқаро китоб кўргазма-ярмаркаси ҳақида. 20.15 К. Молодбасанов. «Момо ер». Ч. Айтматовнинг шу номли повести асосида балет-ораторий. 21.30 «Время». 22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. МАСК — «Спартак». «Динамо» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. 23.45 «Агар сог-лом бўлай десанг». 24.00 «Дунё воқеалари».

Марказий телевиденининг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.50 «Саёҳатчилар клуби». 19.50 Н. Чуковский. «Земляника гуллади». 20.30 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Инсон ва қонун». 21.15 «Томск жилолари». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.30 «Время». 22.00 «Алтунин қарор қилади». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 23.20 «Ульяновск». Телевизион ҳужжатли фильм. 23.35 Лозовая станцияси локомотив депоси вокал ансамблининг концерти.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Қўғирчоқ фильмлар. 18.25 «Сўз кетидан сўз келар». Мактабгача ёшдаги болаларни рус тилида сўзлашишга ўргатиш (такрорий). 18.45 «Ижод гулшани». Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари конференциясининг 25 йиллигига бағишланади. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Халқ контроли экрани». 20.15 «Уста Салимжон». Телефильм. («Узбектелефильм»). 20.30 «Ахборот». 20.50 Музикали драмалардан ариялар ва дуэтлар. 21.30 Москва. «Время». 22.00 «Хирмонингизга барака». 22.20 «Уруш ва тинчлик». 3-фильм. «1812 йил». 23.50 Янгиликлар.

23 СЕНТЯБРЬ — ЖУМА

Марказий телевиденининг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Концерт залида — мактаб ўқувчилари. 10.35 «Тарих саботи». Бадиий фильм. 12.00 «Ўша кунлар жозибаси». СССР халқ артисти О. Вардина иштирокида фильм-концерт. 12.30 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Қанотлар». Телевизион ҳужжатли фильм. 16.20 Арманистон телевидениеси ва радиосининг симфоник оркестри чалади. 16.45 «Ҳамиша халқ билан». Киноочерк. 17.05 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Янги Гулливер».

18.35 Волейбол бўйича Европа чемпионати. ГДРдан олиб кўрсатилади. 19.05 «Ҳамма нарсани билишни истайман!». Киножурнал. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Сиз яратган боғ». 20.00 «Эртага — Пропагандистлар куни». 20.30 Санъат усталарининг концерти. 21.30 «Время». 22.05 «Д'Артаньян ва уч мушкетёр» Уч серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия. 22.35 «Дунё воқеалари».

Марказий телевиденининг иккинчи программаси

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 Ҳужжатли фильм. 9.35 ва 10.35 Тарих. 4-синф. Муз устида жанг. 10.05 ва 13.40 Инглиз тили. 11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Умумий биология. Сунъий ва табиий танлаш. 11.35 ва 12.40 География. 5-синф. Жойнинг плани. 12.05 «Қизил китоб» нималар ҳақида ҳикоя қилди». 3-кўрсатув. 13.10 Табиатшунослик. Хатларга жавоблар. 14.10 Қадимий Рус санъати. 2-кўрсатув. 14.40 «Бу қайноқ олам». Илмий-оммабоп фильм. 15.00 Тарих саҳифалари «Шаҳсан даҳлдор». 15.45 М. И. Глинка ижоди. 16.30 Янгиликлар. 16.35 Санъат усталари. СССР халқ артисти А. К. Тарасова. 17.45 «Оталар ерида». Телевизион очерк.

18.35 Янгиликлар. 18.55 Ҳужжатли фильм. 19.30 В. Шкваркин. «Содда қиз». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 Севастополь кемасозлари». Ҳужжатли фильм. 21.00 «Ҳаракат ҳавфсизлиги учун». 21.30 «Время». 22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Киев) — «Зенит». Киевдан олиб кўрсатилади. 23.45 Волейбол бўйича Европа чемпионати. ГДРдан олиб кўрсатилади.

Узбекистон телевидениесининг программалари

I

17.40 Кўрастувлар программаси. 17.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Эстафета давом этади». 18.15 «Ўткир қон-томир касалликларининг тез ёрдам ҳирургияси» Бутуниттифоқ симпозуми. «Фан уфқлари» (рус.). 18.45 «Шеърият билан учрашув». Р. Абдурашидов. 19.30 «Ахборот» 19.45 «Томди қалдиргочлари». Ҳужжатли фильм премьераси. («Узбектелефильм»). 20.00 «Партия турмуши». 20.30 «Ахборот». 20.50 Эстрада концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Дунё воқеалари». 22.35 «Уруш ва тинчлик». 4-фильм. «Пьер Безухов». 00.05 Янгиликлар.

II

19.10 «Рус тили — мактабгача ёшдаги болаларга». Миллий болалар боғчаларида болаларни рус тилида сўзлашишга ўргатиш вазифалари. 19.40 «Ғалла — ризқ-рўзимиз». Телевизион фильм. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш — умумхалқ иши». (рус.). 20.50 «Совет Иттифоқи шаҳарлари». Кинопрограмма. 21.30 МТ II

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

ТОШКЕНТНИНГ 2000 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН

БАЙРАМ ТОМОШАЛАРИ

МОСКВА ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН ЦИРКИ УСТАЛАРИ: Ўзбекистон ССР халқ артисти Лола ХУЖАЕВА, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ловар ХУЖАЕВ иштирокида

«АЁЛ —ЙИРТҚИЧЛАР ДАВРАСИДА» АТТРАКЦИОНИ.

Ҳайвонларни ўргатувчи — Марица ЗАПАШНАЯ.

Масхарабозлар Юрий ТЕРЕШКИН, Анатолий ГОЛОТА, РСФСР халқ артисти Борис ВЯТКИНлар қатнашадилар.

Томошалар ҳар куни соат 19.30 да, шанба кунлари соат 16 ва 19.30 да, якшанба кунлари —соат 13, 16 ва 19.30 да бошланади.

Олдиндан билет сотиш кассалари ишламоқда.

Кассалар соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.

44-35-91 телефон номери бўйича справкалар олиш мумкин.

М. Қориёқубов номидаги ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

23 СЕНТЯБРЬ СОАТ 19.30 ДА

Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейига бағишланади

ПРЕМЬЕРА

«КУЛГИ КИРГАН УЙГА ҚАЙҒУ КИРМАГАЙ»

(Икки бўлимдан иборат сатира ва юмор эстрада томошаси)

Сценарий муаллифлари: филология фанлари кандидати ҲАЙДАРАЛИ УЗОҚОВ, ШЕРҚУЗИ ҒОЗИЕВ

Қатнашадилар: «ХАНДА» АНСАМБЛИ.

Солистлар: Шерқўзи ҒОЗИЕВ, Аъзам ТОЖИЕВ, Ғайбулла МЕЛИЗИЕВ, Қурбонали ТИЛЛАЕВ, Малика ШАРИПОВА, Ўсар ЮСУПОВ, Санобар РАҲИМОВА, Ноила НУРМУҲАМЕДОВА, Маъмура АБДУРАҲМОНОВА.

Ўзбек халқ Чолғу асбоблари ансамбли.

Музика раҳбари — Мирсалим МУҲАММАДЖОНОВ.

Программани Мамасоли ҲОЛМАТОВ ва Зайниддин ОМОНОВ олиб борадилар.

ДИҚҚАТ!

Шаҳар меҳнаткашларининг кўп сонли илтимосларига кўра

1983 йил 30 сентябрь ва 1 октябрь кунлари соат 18 да

«ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИДА

қўшимча

БАДИЙ-СПОРТ БАЙРАМ ТОМОШАЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИ.

Билетлар «ПАХТАКОР» марказий стадиони кассаларида эрталаб соат 10 дан сотилмоқда.

Тошкент шаҳар совети ижроия комитетининг аҳолини ишга жойлаштириш бюроси ҲАМЗА РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

цех бошлиғи, цех мастери, юрист консультант, машинистка, слесарь-асбобсоз, газ-электр пайвандловчи, штамповкачи, прессловчи, слесар-йиғувчи, ғалтакларни ўровчилар, фрезерловчилар, йўнувчилар, ностандарт ускуналар группаси раҳбари, барча ихтисосликлар бўйича инженер-техник ходимлар, шогирдлар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 33-подъезд, 5-хона.

235-ШАҲАР РАДИОТЕХНИКА ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА

1983—84 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

радиоаппаратуралар ва приборлар монтажчиси (қизлар), радиоаппаратуралар ва приборлар созловчиси, радиоаппаратуралар слесарь-йиғувчиси, гальваник, механика йиғув ишлари слесари, слесарь-асбобсоз, техника назорати бўлими назоратчиси.

8-10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ВА УНИНГ АТРОФИДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛУВЧИ ЙИГИТЛАР ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

8 синф ҳажмида маълумотлилар учун ўқиш муддати — 3 йил, 10 синф ҳажмида маълумотлилар учун ўқиш муддати — 6 ой.

Радиоаппаратуралар монтажчиси ва слесарь-асбобсоз ихтисослиги бўйича 10 синф ҳажмида маълумот билан қабул қилинган ўқувчилар ойига 30—45 сўм ҳажмида стипендия билан таъминланадилар.

8 синф ҳажмида маълумот билан қабул қилинганлар давлатнинг тўлиқсиз таъминотида (уч маҳал бепул овқат ва кийим-бош) бўладилар ва ўрта маълумот оладилар.

Барча ўқувчилар ишлаб чиқариш практикаси вақтида ишланган иш ҳақининг 33 процентини оладилар.

Ўқиш муддати меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар ўқишни давом эттириш учун ўрта ва олий ўқув юртларига юборилади-лар.

ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ ҲАР КУНИ БИЛИМ ЮРТИ БИНОСИДА СОАТ 9.00 дан 17.00 гача ИШЛАЙДИ.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, 2-Сергели массиви, 64«а» уй (58«э», 40«э», 75, 98-автобуслар, 19-троллейбус, 18, 30-маршрут таксиларининг «Сергели» савдо маркази» бекати). Телефонлар: 58-47-07, 58-07-81.

КИРОВ РАЙОН ОШХОНАЛАР ТРЕСТИ «ОҚҚУШ» КАФЕСИ ҲУЗУРИДАГИ

МАКТАБ-ОШХОНАГА

1983-1984 ўқув йилига

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Машғулотлар 1 сентябрдан бошланади.

Мактаб-ошхона Киров районидаги энг яхши ошхона ва кафеларда ишлаш учун III разрядли малакали ошпазларни тайёрлайди.

Ўқиш муддати — 11 ой.

Мактаб-ошхонага 8-10-синф маълумотли бўлган қизлар қабул қилинади.

Мактаб-ошхона замонавий уч қаватли бинода жойлашган бўлиб, замонавий иситиш ва совутиш ускуналари ҳамда таълим беришнинг технологик воситалари билан жиҳозланган.

Мактаб-ошхона ҳузурида ишчи-ёшлар мактаби мавжуд.

Ўқиш даврида ўқувчилар ўз таннархи бўйича озиқ-овқат, коржома билан таъминланадилар, шунингдек уларга 54—63 сўм миқдорида стипендия берилади.

Мактаб-ошхонани битирганлар III разрядли ошпаз ихтисослиги берилганлиги тўғрисида шаҳодатнома оладилар.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Киров райони, Тимирязев кўчаси, 28-уй (3, 22, 23, 29-трамвайларнинг, 19, 47, 89-автобусларнинг «Тимирязев кўчаси» бекати).

СУРАТГА ОЛИШ БИЛИМ ВА МАҲОРАТ БЕРАДИ

Фото суратларни олиш билан мунтазам шуғулланиб бориш, фанларнинг турли соҳалари, техника ва санъатга доир билимни кенгайтириб боришда жуда ҳам қўл келади. Фотоаппаратлар кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ғаройиб воқеаларни кўришга ўргатади, табиатнинг гўзаллиги ҳақида тўла тушунча беради.

Фотография қариндош-уруғлар ва дўстларнинг қайноқ чеҳрасини: шахсий ва ижтимоий ҳаётингизда рўй берган воқеаларни бир умрга акс эттириб сақлаб қолади.

«ТАШКУЛЬТТОРГ»НИНГ МАГАЗИНЛАРИ

ФОТОАППАРАТЛАРНИНГ КАТТА ТУРКУМИНИ ДИҚҚАТИНГИЗГА ҲАВОЛА ҚИЛАДИ:

«Силуэт-автомат», «ФЭД-микрон—2», «Зенит—11», «Зенит—10», «ФЭД»—5», «Киев—17», «Электра—112», «Зенит—Е», «Зенит—19», «Киев—4 М», «Зенит—ТТЛ», «Зенит—ЕТ».

«Силуэт-автомат»— кадр ҳажми 24х36 мм. бўлган 135 типдаги стандарт кассетадаги 35 миллиметрли плёнка учун мўлжалланган автоматик тарзда ишловчи бежирим кичик ҳажмли шкалали фотокамерадир. Электрон билан бошқариладиган линзалараро жойлаштирилган апертурли затвори олдиндан мослаб қўйилган диафрагма бўйича 1/500...8 гача интервалда видержкани автоматик тарзда ишлаб беради. Экспонометрик қурилмадаги диапозонинг ишлаш тартиби ГОСТнинг нур сезувчанлик 65 бирлиги сонида белгиланганида 0 дан 17 гача бўлган Е экспозицион сонларида ишлайди.

Босиладиган кнопкаси фотокамера корпусининг устки шчиткасида жойлаштирилган. Фотокамеранинг лампали ёритгич ва оддий штепсель розеткаси билан уланиши учун кабелсиз марказий контактли обоймаси бор.

Объективга кенг бурчакли «Индустар—92» ўрнатилган бўлиб, уч компонентдаги 4 та линзаси бор, кўришнинг бурчак майдончаси 60°. Тиниқлиги символ ва бутун объективдаги «чексизликдан» 0,8 м.гача бўлган шкала бўйича мўлжалга олинади.

Фотоплёнкани жойлаштириш ва затворини ишлатиш блокировкаланган бўлиб тепки билан ишлайди.

Фотокамеранинг корпуси металли бўлиб, размери — 58х75х115 мм., оғирлиги — 480 грамм. Баҳоси— 120 сўм.

«ФЭД—микрон—2»— автоматик бежирим узун ўлчовли кичик форматли фотокамера бўлиб, кадр размери 24х36 мм.ли ҳажмдаги, 135 типдаги стандартли кассетадаги 35 миллиметрли плёнкада сурат олиш учун мўлжалланган.

Ёпиш қулфи апертурли, линза ортига жойлаштирилган, бўлиб, 8—...17, ёки объективнинг тўла нисбий очилганида 1/30 дан бошлаб суратга олинадиган жойнинг ёруғлиги кўпайишига қараб видержкани 1/650 гача бир йўла, оҳиста камайтиришдан тортиб то 1:14 гача нисбий очиқликка ёруғлик рақамлари интервалида автоматик тарзда ишлайди. Суратга олинаётган жойда ёруғлик меъёрига етмай қолса, босиладиган кнопка блокировкаланиб қолади. Суратга олинадиган жой ортиқча ёришиб кетганида кўриш майдонидаги индикатор стрелкаси кутилаётган ортиқча кутиб туриш лозимлигини кўрсатиб беради.

Кенг бурчакли «Индустар—81» объективи 1:2,8/38 ММ, 4 та линзаси уч компонентда, кўриш майдончаси бурчаги 60°. Бутун объектив бўйлаб узоқ ёки «чексизликдан» 1 м.гача масофалар шкаласи бўйича тиниқлиги созланади. Суратга олинаётган майдоннинг 1 метр масофадан ҳосил бўладиган чизиқ размери 58х87 см.

Кадрлар ҳисоби автоматик ишлайди. Фотоплёнкани заряд-лаш соддалаштирилган. Ҳаракатланувчи механизмни ўчириб қўядиган тўхтатувчи кнопкаси бор. Фотокамера размерлари — 59х77х112 мм, оғирлиги—460 грамм, баҳоси — 125 сўм.



Юқорида номлари кўрсатилган фотоаппаратларни қуйидаги магазинлардан сотиб олиш мумкин:

4-Куйбишев шоссеси, 850-уй;

5-Госпиталь бозори;

9-Олой бозори;

10-Муқимий кўчаси, 1-уй;

12-Луначарский шоссеси;

16-Сергели (саноат ярмаркаси).

«ТАШКУЛЬТТОРГ».

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон—42-95-91).

Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими давлат комитетининг

182-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги касблар бўйича малакали ишчилар тайёрлайди: қурувчи, дурадгор, электр пайвандчи, йиғма темир-бетон конструкцияларининг пайвандчи-монтажчиси, автомашиналар ремонти бўйича слесарь, қурилиш бўёқчиси.

Ўқиш муддати — 3 йил.

Пардозловчи-плиткачи-мозаикачи, қурилиш-бўёқчи, электр-пайвандчи.

Ўқиш муддати —2 йил.

Дурадгор, қурилиш бўёқчиси, электр пайвандчи, ғишт терувчи-монтажчи.

Ўқиш муддати — бир йил.

Билим юртига 15 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинади.

Билим юртига қабул қилинганлар кунига уч маҳал иссиқ овқат, кийим-бош, ҳамда ишлаб чиқариш практикаси даврида меҳнат ҳақининг 50 проценти билан таъминланадилар.

Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтиб келгандан сўнг билим юртига кирган ўқувчилар 60 сўм ҳажмида стипендия оладилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртини тугатганлар олий ўқув юрти ёки ўрта махсус ўқув юртига кириб ўқиш ҳуқуқини берадиган диплом оладилар. Билим юртини «имтиёзли» диплом билан битирганлар олий ўқув юртига ва ўрта махсус ўқув юртларига имтиёзли равишда қабул қилинадилар.

Билим юртида бадиий ҳаваскорлик тўгараги, фототўгарак, самбо бўйича секция, изостудия, ва соҳа бўйича тўгараклар ишлайди.

Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ёзилган ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (ёки паспорт), турар жойидан справка, 286-формадаги медицина справкаси, 3х4 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат.

Ариза ва ҳужжатлар ҳар куни (якшанбадан ташқари) **соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.**

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри Куйбишев райони, Багратион кўчаси, 4-уй (17-автобуснинг сўнгги бекати, 13-трамвайнинг 2-«Шимолий-шарқ» бекати). Телефон 64-18-41.

ЎЗИ ТЎҚИЙДИГАН ЧЕВАРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Куз фаслининг салқин об-ҳавоси ишда ҳам, уйда ҳам қулай ва яраши турадиган иссиқ ва кўркам кийим-кечаклар ҳақида ўйлаб кўришни тақозо этмоқда.

Бунинг учун тўқилган кийим-кечаклар сизга энг муносиб либослар бўлаолади. Бундан ташқари, бугунги куннинг модаси ана шундай либосларга мойиллиги-ни тақозо этмоқда.



Тўқиш қўлидан келадиган аёл кишининг қўлига кирса, кинагина жун толасини калаваси тушиб қолганида, бир талай илҳом булоғи мавж уриб кетади.

Мохердан тўқилган жакетлар ва свитерлар, жемперлар ва блузкалар, юбкалар ва кофталар, шарфлар ва рўмоллар, пальтолар ва шапкачалар майин ва енгил бўлади.

Қўлда тўқилган шолрўмоли елкага ташлаб қўйилганида костюма ўзига хос файз беради ва оқшом либосларини янада безайди.

«ЦУМ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ»

«КУРАБО» МОХЕРИ — **баҳоси — 12 сўм**, «КИД-МОГЕР «М» — **баҳоси 12 сўм**, КИД-МОГЕР «Л» — **баҳоси 10 сўм. Японияда ишлаб чиқарилган.**

ЦУМ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 42-95-91).

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ГАЗЕТХОНЛАРИГА

«Тошкент оқшоми» газетасига 1984 йил учун обуна давом этмоқда. Газетанинг бир йиллик обуна баҳоси— 7 сўм 80 тийин, ярим йилга—3 сўм 90 тийин. Обунани «Союзпечать» агентликлари ва бўлимларида, почтамтларда, алоқа бўлимларида, иш ёки ўқиш жойларида матбутни жамоатчилик асосида тарқатувчилар кўмагида расмийлаштириш мумкин.

Азиз дўстлар! Маълумингиз бўлсинки, 1984 йил учун «Тошкент оқшоми»га обнани бир мунча ошириш кўзда тутилган. Шу кунларда эса «Тошкент оқшоми»га обуна кенг миқёсда олиб борилмоқда. Ўзингиз яшаб турган жойдаги алоқа пунктларида 1984 йил учун обунани расмийлаштириш ишлари қандай ташкил этилган? Шу масала бўйича таклифларингиз борми? Ана шулар ҳақида бизга батафсил ёзиб юборсангиз, деган умиддамиз. Бордию, бирор жойда сизга обуна масаласида рад жавобини берганлар бўлишса, бундай ҳолларда қуйидаги телефонлар орқали бизга мурожаат қилишингизни маслаҳат берамиз:

33—58—72, 33—57—02.

4 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

22 СЕНТЯБРЬ, 1983 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

ВИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 32-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

Р—03161 Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12